

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 56 (6798)
1997 йил, 23 июль, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Кўнғирок

ОТАМНИНГ ФИКРИ ЎЗГАРАРМИКАН?

Ассалому алайкум, ҳурматли «Тонг юлдузи» ходимлари!

Бу йил 11-синфни мактабимизда 5 та синф — 157 та ўқувчи битирдик. Шундан тўртта бола Тошкентга, етита бола Термизга, яна учта бола Самарқандга ўқишга кетишти. Мен бу рақамларни нимага келтиряпман. Биз — қолган болалар нима билан шуғулланамиз? Сиз ҳайрон булгандирсиз, қишлоғингизда болалар ўқишга қизиқмайдим, ўқимайдиларми? деб.

Йуқ ўқийдиган болалар талайгина. Фақат ота-оналаримиз рухсат беришмаяпти, олий ўқув юртларига кириб ўқишга. Ишонмасангиз бизнинг қишлоққа келиб, текшириб туришингиз мумкин. Агар келсангиз бизларга ёрдам ҳам берган булардингиз. Мен ҳам мактабни 4 ва 5 баҳолар билан тугатдим. Ёшлигимда иқтисодчи бўлишни орзу қилиб келардим, Аввалига, уйдагилар индамас, назаримда розидек эдилар. Мактабни битириш арафасида Тошкентга ўқишга топшириш учун ҳужжатларимни тайёрлай бошладим.

Бир куни медицина қўғозини тулдириб, уйга келсам, мендан катта ақам «Оввора булиб нима қиласан, барибир отам ўқишга қўймайдиларку», деб қолди. Буни узим ҳам аста-секин англай бошлаган эдим. Лекин, мендаги орзу отамнинг қаршиликларидан устун келаётган эди. Кеч булишини, отамни ишдан тезроқ келишларини кута бошладим. Унгача энамга ялиндим. Отамга тушунтиришларини илтимос қилдим. Энам супра бошида хамирни зувалаларга булар эканлар, қандайдир менга раҳмлари келаётганини англадим. «Қани энди менинг қулимда булсаку, болам», — дедилар секингина. Отам ишдан ярим кечада қайтдилар.

Мен математикадан мисол ечиб утиргандим. Мен ҳали ҳам ухшаматанимни курган отам «Ўқиб олим булармидинг углим, светни учириб ухласанг-чи», деб қул ювиш учун утиб кетдилар. Мен бу гапни қуп эшитган ва бу гапдан ранжимайдиган ҳам булиб кетганман. Отам жойларига келиб утиргач, онам овқат олиб келиб олдиларига қўйдилар. Овқатни еб булишларини кутдим. Ва ниҳоят, қушнимнинг угли

Шоқир билан Тошкентга ўқишга бормоқчилигимни айтиб рухсат сурадим. Отам гапимни охиригача эшитмадилар. «Ҳамма олим булаверса, подани ким боқади?» дедилар курслик билан. Ва ухлаш учун уйга кириб кетдилар.

Мен пода боқишни ёмон демоқчи эмасман. Лекин ҳар бир соҳанинг узини яхши курган одамлари булади-ку. Эртаси куни Шоқирни уйдагилар ҳам кунишмабди. Шоқир мендан юзини тескари қилиб кетди. Кейин Адҳам синфдошимнинг айтишича, отам Шоқирнинг отасига бориб, «Уғлингизни ўқишга юборманг, барибир киролмайди. Ўқиш катталарнинг, пулдорларнинг боласиники», — деб айнитган эмишлар.

Қадрли редакция ходимлари! Айтингчи, отамнинг миясига урнашиб, илдиз отиб кетган бу муносабатнинг қандай ҳаёлидан қувламоқ керак?

Қуп тушунтирмоқчи булдим. У даврлар утиб, қари дарахтлар кесилиб кетганлигини, лекин тушунтира олмадим. Уйдан қочиб Тошкентга бормоқчи, ҳужжатларимни ТОШДУнинг иқтисод факультетига топшириб, билимларимни синаб ҳам курмоқчи булдим. Лекин қишлоқда ҳар хил гаплар купайиб, «Уғли Тошкентга қочиб кетибди», деган гапдан отамнинг елкалари қисилиб қолишдан курқдим. Мана, насиб қилса, яқин кунлар ичида тенгдошларим биринчи имтиҳонларини топширадилар. Умид билан бориб ноумид булмасинлар. Ёруг юз билан қайтсинлар уйларига. Ва ушанда отамга ухшаган одамлар қилган ишларидан, уйлаган уйларидан уялиб қолсинлар, — деб ният қилдим.

Юсуф ЖўРАКУЛОВ,
Сурхондарё вилояти,
Олтинсой тумани.

ТАҲРИРИЯТДАН: Болалар! Тахирсиз эълон қилинган Юсуфжон акаангизнинг истаги билан танишингиз. Ғалвир сувдан кўтариладиган палла яқинлашиб, абитуриент ёзи охирлаган дамда зорд Юсуфжоннинг дадасига ухшаганлар улиб қолишса!



**Жажжи оёқларинг упар майсалар,
Бошингни сипайди қуёшнинг нури.
Олма ҳидларидай юракка яқин,
Қишлоқ ҳавосининг зангор сурури.**

**Далапар бағридан эртак излайсан,
Сен озод боғларнинг гулу-поласи.
Кўзингда муқаддас келажак кулар,
Шаҳарга талпинган қишлоқ боласи.**



Ибратли оила

Боғ яратиш, кучат экиш ҳар бир узбек оиласининг қон томирига сингиб кетгани ҳаммага беш бармоқдек маълум. Аммо кучат тайёрловчилар ва янги нав мевали дарахтлар яратувчилар — соҳибкорлар-чи? Булар бармоқ билан санарли.

Янги навлар яратувчи ва боғбонларга қўлаб яхши, серҳосил навли кучат

ли давлат хужалиги раҳбарлари янги боғлар барпо этиш мақсадида яхши навли кучатлар топиша олмай, охири Хотам Рустамовга тажриба ишлари олиб бориш учун бир гектарга яқин ер ажратиб беришганди. Хотам эса икки йил ичида бу хужаликка минглаб туп олмаю



«ХОТАМ» ОЛМАСИ, «ЗУЛАЙҲО» ШАФТОЛИСИ...

чатлар тайёрловчи оилалардан бири — Зангиота туманидаги Эркин қишлоғида яшовчи Хотам Рустамовлар оиласидир. Бу оилада бир вақтлари тумандаги барча кишилар кучат олардилар. Бироқ оила бошлиғи, асл соҳибкор Хотам Рустамов бундан тўрт йил илгари оғир касалликдан сунг вафот этди. У вафот этса-да, унинг ишини оила аъзолари давом этдиришди. Ҳозирги кунда ҳам кучат сураб келувчилар «Хотам ака!» деб, унинг дарвозасини тақиллатишади. Сабаби, Хотам Рустамовнинг беш қизи бор, угли йўқ. У тирикчилигида «Хотам», «Зухро» номли олмалар, «Зулайҳо» деган антиқа шафтоли навларини яратганди. Уша пайтда Иванова ном-

шафтоли кучатлари етказиб берганди. Бу тўғрида атрофдаги боғбонлар ҳалигача гапириб юришади.

Хотам отанинг асл касби шифокорлик эди. У Тошкент шаҳрида 4-автобус саройида навбатчи шифокор бўлиб ишларди. Бир кеча-кундуз ишлаб, уч кун дам оларди. Буш пайтларида машғул бўлиш мақсадида у ота касби — боғбонлик билан шуғуллана бошлади. Отаси Аъзам амаки бутун Эркин қишлоғига танилган боғбон эдилар. Энг яхши узум, урик, жийда, олма, нок кучатларини қўпайтириб, атрофдаги боғ-роғ билан шуғулланувчиларга тарқатардилар. Хотам ҳам отаси ишини давом эттириб, кучатчиликда аввалига бутун қишлоққа машҳур бўл-

ганди. Кейинчалик эса серҳосил, ҳашаротларга ем бўлмайдиган, касалга чидамли навлар яратиш устида иш олиб бориб, бу борада ютуқларга эришганди. Айниқса, унинг булик, серҳосил боғлари олма билан «Самарқанд» олмасини чатиштириб, ажойиб «Хотам» навли яратган олмаси боғбонларни лол қолдирганди. Ҳозирги кунда бундай нав Эркин қишлоғидаги барча хонадонларда бор. «Чиноз» шафтоли нави билан катта луччак шафтолини чатиштирди, натижада «Зулайҳо» шафтолиси пайдо бўлди. Бундай нав шафтоли улкан луччаксимон бўлиб, шира касаллигига бардошли эди. Соҳибкор Хотам вафотидан кейин эса унинг ишини хотини Зухраҳон бошлиқ қизлари давом эттирмоқ-

далар. Шу боис, кучат излаб келувчиларнинг бу даргоҳдан қадамлари узилмади. Зухраҳон, Зулфия, Зулайҳо, Зилола, Зулҳуморлар ҳам инглиз тили буйича олийгоҳлар ва мактабларда сабоқ берсалар-да, аммо улар уйдаги буш вақтларини ота касби — кучат қўпайтириш иши билан утказадилар. Апрель, май ва август, сентябрь ойларида оналари Зухраҳон бошчилигида қизлари кучатларни пайвандлаш билан машғул буладилар, серҳосил нав кучатларни тайёрлайдилар, парвариш этадилар. Кучат етиштириш борасида бу саховатли оила бутун туманга машҳур. Улар кучат етиштириш эркаклар иши деб утирмай, қўлларидан келганича ишлаб, қўпчиликнинг дуосини олмоқдалар. Отала-

ридан ёдгорлик бўлиб қолган тажриба участкаларида ишни тўхтатмай шотут, ёнғоқ, узум, нок, олма, олхўри сингари мевали кучатлар тайёрлашни чин дилдан адо этмоқдалар. Ҳа, айтгандек, улар пишиқчилик пайтлари уйида мевали дарахти йўқларга, қаровчисиз қолган оилаларга бир челақдан урик, олма, шафтоли элтиб берадилар, бу удумни раҳматли оталари Хотам ота бошлаганди.

Қадрли газетхон угилқизлар! Сизлар ҳам бу саховатли оила аъзоларидан урناق олиб, кучат етиштириш ва боғлар бунёд этишдек ишга қизиқсангиз мустақил Ўзбекистонимизда келажакда қўлаб боғ-роғлар пайдо бўлишига уз ҳиссангизни қўшган буласиз.

О. ҚўЧҚОРБЕКОВ.



Муҳаббат АМАТАЕВА

ТОЙЧОҒИМ ҚАНДИ?

Ўғлим билан бир куни,
Борган эдик қишлоққа.
Кўзларидан нур сочиб,
Ишқи тушди тойчоққа.
Шундан буён тойчоқни
Бот-бот эслаб туради.
Ўша ширин тойчоқни,
Тушларида кўради...

Саҳар туриб болажон,
Қайда, дейди тойчоғим?
Соғинчингдан айланай,
О, кўзлари мунчоғим!
Биз бир куни қадрдон
Ўтлоқларга қайтамиз.
Тойчоқлар кўзидаги
Қўшиқларни айтамиз.

Шеър муаллифи, суратдаги Зуфариллонинг онаси Муҳаббат Аматаеванинг шифобахш қўллари қўлаб дардмандларга даъво берган. Муҳаббат опангиз шеър билан ҳам дилларни қувончга, эзгу туйғуларга буркамоқчи эканлар, бу йўлда уларга ютуқлар тилаймиз.

ФИКРЛАШНИ ЎРГАНАМИЗ

Олов қанотли музаффар ёз куёши кук тоқига чиқиб бораётган пайтда 19-урта мактаб масканига кириб келдим. Мактаб директори Равшаной опа Шукуруллаева одобномадан дарс берар эканлар. Мактабимиз Қибрай туманида санъат байрами, фан олимпиадалари йуналишида учинчи уринни эгаллаб турибди, — дедилар менга.

Уқишга тахт қилиб қуйилган синф хоналарини, зал ва йулақларни кузатарканман, одобнома укучилардан одамгарчиликни, шакллантиришда муҳим урин тутса керак-а? — деб сурадим.

— Албатта, бу фан инсон тайёрлашдаги дастлабки таълимотдир. Тош отганга ош от, деган доно халқимиз. Яхшилик, катталарга ҳурмат, кичикка нисбатан иззатда бўлишни болаларимизга ёшлиқдан синдириб боришимиз керак. Баъзи ёшларимиз юз хотирани, андишани унутиб

қуядилар. Мактаб фақатгина билим бериб, ҳунар ургатибгина қолмай, балки ахлоқ учогидир. Бу борада китоб боланинг тушунчасини кенгайтиради, нутқини устиради, фикрлашга ургатади. Икки уғлим бор. Бири лицейда, кичиги урта мактаб укучиси. Ҳеч қачон уларни буш қолдирмайман. Китобдан бир булим ажратиб бераман-да, ишдан келганимда уни уқиганини, ундаги воқеалар тафсилотини сўрайман. Агарда кино қилинган китоб булса, бир-бирига таққослашни сўрайман. Бола гапириш жараёнида нутқини устиради. Китоб билан фильмдаги воқеаларни таққослайди. Уни ёққан, ёқмаганини айтади. Асосийси — у фикрлайди.

— Уғилларингиз уйидаги барча юмушларни бажараркан. Бу уғил болани, бу қиз болани иши, деб ажратиб қуйишмас экан. Узингиз бун-

Устоз ҳузурида

га қандай қарайсиз?

— Ургансин, ургангани узига, қилгани менга фойда. Эртага талаба бўлиши бор. Аскарликка боради. Қолаверса эртага у Ота бўлади. Юмушни танламаслиги керак. Буни ҳаётга тайёрлаш, дейди.

— Ёзги таътил даврида буш қолган болаларга эътибор булдими?

— Ҳа. Ҳар бир синф раҳбари вақти-вақти билан уз укучисиникида булиб туради. Укучиларга дастлаб уз мактабларида оромгоҳ очиб бердик. Унда болалар турли тугарақларга қатнашиб, машгулотлар утди. Кейинчалик, баъзилари узокроқдаги оромгоҳларга кетди.

Равшангул опа билан хушнуд хайрлашсам-да, куз олдимида болажон мураббийнинг маънавиятимиз учун қайгурувчи чехраси муҳрланиб қолди.

Дилором ИСМОИЛОВА.



ЧАРХЧИ МОМОМ

Барлос — менинг қишлоғим. Очиги, нима учун шундай ном олганини аниқ билмайман-у, лекин бу қишлоқ аҳли, урф-

одатлари ҳақида кўп нарсани биламан. Бувимдан, маҳалламиз кексаларидан қадимий анъаналаримиз ҳақида қизиқ-қизиқ ривоятлар тинглаганман. Папарлар, апплар, ёр-ёрларни момоларимиз куйпаганда, бейхтиёр уйнаб юборганини билмай қолади киши. Лекин миллий ҳунарларимиз ҳам ҳозиргача сақланиб, қадрланади. 86 баҳорни кўрган Башор хопа ҳалихануз чарх йиғириб толмайди. Бахмал туманида бу чархчи мо-

Савол-жавоб

исмини.

— Кунтуғмиш.
— Уярда айғирлар чопади қия, Тулпорни тугади энг зотдор бия. Бойчиборнинг энаси эмасдир туя, Сиздан шуни сурадим мен жоним куя...
— Тарлон бия?
— Барақалла!

Энди навбат зукко устозларимизнинг ўйлатадиган, агар билса — бурро-бурро сўйлатадиган савол-

— Узбек халқ оғзаки ижодидаги ажойиб дostonлардан бирининг бош қаҳрамони Алпомишнинг асл исми нима?

— Ҳакимбой.

— Қалмоқлар юртида Барчин тайинлаган пойгада Бойчиборга қарши қуйилган қалмоқнинг энг чопқир отининг исми нима?

— Алпомиш зиндонда ётган пайтида ёнига келган қайнисини Кайқубодга ҳазил қилиб сизин деган пирнинг номи нима?

— Жалтанг.

— Алпомиш Қалмоқ элида, зиндонда неча йил ётган?

— Етти йил.

Кайқубод зиндонда ясаган икки чанқовузни бозорда қандай нарсаларга алмаштирган ва нечта?

— Нонга, биттасини иккитага, аммо

арава жунатади?

— 500 арава.

— Алпомиш зиндонга солингандан кейин унинг бедови Бойчибор боғлаб ташланган жойнинг номи нима?

— Кабла.

— Алпомиш Қалмоқлар юртида зиндонда ётганида у бу зиндондан кимнинг ёрдамида чиқади?

— Бойчиборнинг думидан ушлаб чиқади.

— Бойсари қалмоқлар юртида бир узи қолиб, уз молига чўпонлик қилиб юрганида учраган савдогар карвонбоши узини узбекларнинг қай уру-



— Шапақ.

— Алпомишга дуст тунган қалмоқ полвоннинг акасининг исми-чи?

— Кукалдош.

— Алпомишнинг бошига не-не азоблар солган, мастоналикни буйнига олган, қалмоқшоҳни ҳайрон қилган, уз ишини билган, Алпомишни горда бориб курган мастон кампирнинг исми нима?

— Сурхайил.

— Одатда узбеклар 92 уруг деб юритилади. Аммо Алпомиш достонида жумладан, у Қалмоқлар элидан қайтиб келганда уни келгани туғрисидаги хабар нечта уругга тарқатилади?

— 16 уругга.

— Қалмоқшоҳ Алпомиш ётган зиндонни кумиб ташлаш учун Зил тоғига неча

гиданман, деб таништиради?

— Қанжигали уругидан.

— Алпомишдан хат олиб келган гоз биринчи булиб қайси тоғ тепасига келиб қунади?

— Шакаман тоғи тепасига.

— Алпомиш Қалмоқларга от суриб,

У ерда зиндонда етти йил туриб,

Юртига кириб келганида, Элини соғиниб бу банди қайси йилқига дуч келди?

Бойчибор кимни эмраниб эмди?

— Узини онаси Тарлон бияни.

— Агар сизни тортган булса,

Алпомишнинг тилсими. Ундай булса, айтинг бизга Алпомишнинг энасининг

ларига!

Устозлар, эшитмадим, деманглар!

Уқимадим, кўрмадим деб юрманглар! Укучиларнинг, қолаверса, сизнинг алифбо газетангиз «Тонг юлдузи»нинг «Савол-жавоб» ва «Устоз минбари» рукни таътил кунларида саёзланмасин десагиз, мақола, лавҳа, ижод намуналарингиз билан иштирок этинг. Илмий излашилларингиз учун ҳам одил ҳакам уз укучиларингизнинг берган ҳалол баҳоси, роствлиги, самимияти — ютуқларингизга илҳомчидир. Ҳар бир туман, қишлоқ жамоаларидаги азиз мураббийлар! Шошилинг, «Тонг юлдузи» сизга мунтазир.

СИЗ «АЛПОМИШ» ДОСТОНИНИ ЯХШИ БИЛАСИЗМИ?

яна қирқ қизга ясаб беришга 80 та нон олади.

— Кайқубод Алпомишнинг ёрдамида ҳийла билан белига минган қизнинг исми нима ва у кимнинг қизи?

— Тавка. Қалмоқшоҳнинг қизи.

— Одатда узбеклар 92 уруг деб юритилади. Аммо Алпомиш достонида жумладан, у Қалмоқлар элидан қайтиб келганда уни келгани туғрисидаги хабар нечта уругга тарқатилади?

— 16 уругга.

— Қалмоқшоҳ Алпомиш ётган зиндонни кумиб ташлаш учун Зил тоғига неча

Қадрият

мони ёшу қари ҳурмат қилади. Башор хопа бу санъатни келини, қизлари-ю, набирапаригача ургатиб келади.

Қадимий дастгоҳда момо шу вақтгача нодир кўп меҳнатларини бунёд этди. Шу сабабли, момо учун бу дастгоҳ жудаям қадрдон ва азиз. Чунки, чарх дастгоҳи момога онасидан ёдгорлик экан.

Ҳа, шундай. Барлоснинг қадимий қадриятларини, урф-одатларини унутмас халқи бор!

Музаффар
ТОШТЕМИРОВ,
Жиззах вилояти, Бахмал
туманидаги 32-
мактабнинг 11-синф
ўқувчиси.

Рамз БОБОЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

Малика қиз, Малика,
Ким дейди сени якка?
Мана мен бор, тоған бор,
Холачаю, тўрт ака.

Ойижонинг бахтлидир,
Аянг, даданг тахтингдир,
Кулиб турган кўзларинг,
Айтолмаган аҳдингдир.

Ҳали мурғаксан, мурғак,
Ҳали кулбанг бир йўрғак,

ЮК
КЎТАРСАМ,
ЕЛКАМСАН

Тилинг дилингга пайванд,
Умринг ёзади куртак.

Гўдаклик кўзгусисан,
Йилларнинг орзусисан.
Олис юлдузнинг тиниқ
Кўркисан, ёғдусисан.


Сен болалик шукуҳи,
Аждодларнинг пок руҳи.

Набирамга

Нимасини айттайин,
Бобонг дарди андуҳи...

Кенжатоим, эркаман,
Юк кўтарсам, елкаман.
Қалбим саройидаги,
Бекажоним, бекаман...

Кўз тегмасин, илойим,
Сенга меҳриғиёҳим!
Камол топ, тилакдош бўл,
Қуримасин сиёҳим!



Болалик соғинчи

ҚАЕРЛАРДА ҚОЛДИНГ,
СИНФДОШ?

Кетсак Ватанларга қайта-
миз, кетсак гау қувончлар-
га қайтамыз, кетсак севги-
ларга, севиклиларга қайта-
миз.

Бироқ бу юртда қайтиб
булмас битта Ватан бор.
Унинг осмонлари оппоқ бе-
губор, яйловлари яшил. У
яйловларда ётиб кенг осмон-
ни томоша қилиш мароқли,
чанг кучаларда оёқяланг югу-
риш роҳат.

Мен ана шу дунёда оқ
кабутардек учиб юрдим, хаёл-
ларимнинг да либоси оқ эди.
Онам мактабимга кузатиб,
ортимдан меҳр-ла боқарди,
отам узун-узун эртақлар ҳа-
дя этарди. О, уша йулларда,
эртақларда қолиб кетган бо-
лалигим, СЕНИ СОҒИН-
ДИМ...

Сенинг севгиларинг бош-
қача эди. Сен меҳрга ташна
эдинг, қулларингдан тутган
муаллиманинг севардинг, шу
севги ҳурмати унинг сап-
сарик угилчасини ҳам севар-
динг. У сенинг румолингни
олиб кетарди, сен хафа бул-
масдинг, балки севинар эди-
нг. Ҳар тонг ариқ буйида
румолингни кутардинг. Ру-
молингдек ҳарир эди. Бола-
лик. Бу одамларга, ҳаётга
булган илк севгининг ифо-
даси эди.

Ногоҳ бир тонг отди. Ёни-
нда ухлаб ётган қуғирчоғи-
ни ҳам, ҳайратдай ениқ бола-
лигинг ҳам йўқ эди. Уша
кундан буён сен яйловларда,
осмонларда, ариқ буйларида
узингни кутасан, соғинасан...

Мактаб кунгирокларида
жаранглаб кулган болалигим,
яшил яйловларда адашиб қол-
ган болалигим, энди тушла-

римда сени кураман. Феруза
осмонлардан сени излайман.
Кузлари маъсум шаддодим,
Сени соғинаман.

Кетсак, юракларга кета-
миз, қайтсак, дустиёрга қайта-
миз. Ватанга қайтамыз. Би-
роқ Болалик деб аталган бир
юрт бор, унга сира қайтиб
булмайди...

Оёқяланг, чанг кўчалардан,
Болаликдан кетиб

Ёраб: Ўзим билибми,
Ўн саккизга етиб кўйибман.
Беғубор ишқ, беғубор

Яшар эдим, дунёни суйиб.
Ўжарлигим, бебош

Ортда қолди юраги куйиб.
Бугун барча ёзувлар ўчган,
Кўзларимда шўхлик

«Севаман» деб хат ёз бир яна
Қаерларда қолдинг,

Кунлар мени чархпалак

Юрак ютиб кетдим-ку
Нега мени ютқазиб кўйдинг,
«Оқ-теракми, кўк терак»

Шунчасидан кечиб
Чорлаганим чўкканимча тиз.
Тамом мени ҳеч кимга

Мен кашф қилган дунё —
Ўн саккиз!

Гулжамол АСКАРОВА.



Турғун АЮПОВ
Қовун ПИШИГИ

Кирсангиз бу полизга,
Таърифни олисга
Олиб кетасиз, меҳмон,
Қолиб кетасиз, меҳмон!

Қовунларнинг энг олди —
Йўл-йўл тўнли босволди.
«Хушбўйимни туймаган
Дейди, яна ким қолди?»

Думалашиб ётаркан,
Атр ҳидин отаркан,
Меҳнат терини шимиб,
Амири турмас жимиб.

Яна чорлар бошқаси,
Ол, дегандек эгатдан.
Куёшни олқаб туриб,
Узилиб кетар банддан.
Бувим билан чайлада,
Шу саратон паллада
Каржлаб едик роса ҳам,
Сўйиб қилдик коса ҳам.

Бувим «Бунга синган
Қовун шунга ширин»,
«Ризқимиз—насибамиз
Индаллоси — Она Ер.

Она ерга ташаккур,
Кўрган кунимга шукр!»

ҚАЛАМПИР
ОРОЛИ

Ҳинд океанида жойлашган
ороллардан бирини дунёга
машҳур қилган экин қалам-
пир мунчоқлари ҳисоблана-
ди. Бу ерда экин майдоннинг
асосий қисми, яъни йигирма
минг гектар ерга қалампир
экилади. Ундан олинадиган ҳо-
сил бутун дунёда истеъмол
қилинадиган қалампирнинг 80
фоизи шу орол ҳиссасига ту-
ри келади. Бу ердаги энг катта
денгиз бандаргоҳи булган ша-
ҳар ҳам шу орол номи билан
аталади. Тропик Африка асо-
сий аҳолисини ташкил қилув-
чи халқ номи билан бошла-
нувчи бу узига хос орол номи
ни топингчи?

ҚАҲВАНИНГ
ВАТАНИ

Уругидан ичимлик тайёр-

лашда ва қандолатчиликда иш-
латиладиган жануб усимлиги
қаҳва ҳисобланади. Уни ис-
теъмол қилиш X-XI асрларда
бошланган. Манбаларда ёзили-
шича дунёдаги биринчи қаҳва-
хона 1551 йилда Туркиянинг
Истанбул шаҳрида очилган.

Ҳозирда жанубий Африка
мамлакатларидан бири дунёда
энг сифатли ва харидоргир қаҳ-
ва ҳосилини етиштирмакда.

Топинг-чи, қаҳва усимлиги-
нинг асосий ватани қайси мам-
лакат? У ҳозирда энг кўп миқ-
дорда қайси мамлакатда етиш-
тирилади?

ЭНГ ИССИҚ
ДЕҲТИЗ

Она сайерамиздаги денгиз-
лардан бири сувининг ҳарора-
ти билан йил буйи 30 даражадан
пастга тушмайди. Ёз ойлари эса
ҳатто 35—36 даражагача кута-

РАШИДА

Каштачи қиз Рашида
Кашта тикди гардишда.
Ишига завқи ошиб,
Сўздайди қувнаб, тошиб:
«Бу ойимга совғамдир,
Кўрмасинлар дард, ғам
бир!»

СЕНИМИ!...

Момикқина мушукчам,
Эркаланиб ўйнайсан.
Беозорсану аммо
Сичқонларни қийнайсан.

Қоп-қанорни тешмагин,
Сеними, ҳой, шошмагин,
Текинхўр! — деб тутасан,
Текинхўрни кутасан...

ОЛУЧА

Мен баҳорда боғимга
Экдим беш туп олуца
Чиллада маълум бўлди:
Тутибди бор ҳолича!

Келаси йил баҳорда
Оқ гулдаста тутади.
Ёзда қизариб, пишиб
Келинг — сизни кутади.

Бўш ўтирма

рилади. Бунинг асосий саба-
би денгизнинг иккала қирго-
ғи ҳам бепоён чуллардан ибор-
атлигидир.

Шуниси ажойибки, денгиз
атрофида йил давомида ҳам
бир томчи ёғингарчилик бул-
майди. Руй берадиган қум бу-
ронлари пайтида денгиз суви
юзининг туси узгаради. Шу
узгаришга қура денгизга ном
берилган булса ажаб эмас.

Топингчи, ер қуррасининг
қитъа ва ярим оролини ажра-
тиб турувчи энг иссиқ ҳисоб-
ланувчи бу денгиз қаерда
жойлашган ва унинг номи
нима?

Ф. ОРИПОВ тайёрлади.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
ЙУЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон КИРҒИЗБЕКОВ, Дадахон
ЕКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табак.
Буюртма — Г 0447.
10960 нусхада босилди.
Қотоз бичими — А.А.
Босилиш, топингнинг вақти 19.00.
Топингчилар — 18.30.
Набатчи муҳаррир Х. Раҳмонов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Маъчилимиз: 700083.
Топингчилар шахри,
Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
Нашр қурасатқани: № 64563
Телефон:
33-44-25